

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FM/К/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

АЗИМОВ ЖУМАНАЗАР ТУРҒУНОВИЧ

**ХИТОЗАН ПОЛИМЕРИНИНГ РЕАКЦИЯГА МОЙИЛЛИГИНИ
КОНДЕНСАЦИЯЛАНГАН МУҲИТЛАРДАГИ МОЛЕКУЛЯР
МЕХАНИЗМЛАРИ**

**01.04.06 – Полимерлар физикаси
02.00.12 – Нанокимё, нанофизика ва нанотехнология**

**ФИЗИКА МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Азимов Жуманазар Турғунович
Хитозан полимерини реакцияга мойиллигини
конденсацияланган мухитлардаги
молекуляр механизмлари.....3

Азимов Жуманазар Турғунович
Молекулярные механизмы
реакционной способности полимера хитозана
в конденсированных средах.....21

Azimov Jumanazar Turg'unovich
Molecular mechanisms
of the reaction ability of the polymer chitosan
in condensed matter39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works42

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.ФМ/К/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

АЗИМОВ ЖУМАНАЗАР ТУРҒУНОВИЧ

**ХИТОЗАН ПОЛИМЕРИНИНГ РЕАКЦИЯГА МОЙИЛЛИГИНИ
КОНДЕНСАЦИЯЛАНГАН МУҲИТЛАРДАГИ МОЛЕКУЛЯР
МЕХАНИЗМЛАРИ**

**01.04.06 – Полимерлар физикаси
02.00.12 – Нанокимё, нанофизика ва нанотехнология**

**ФИЗИКА МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2PhD/FM26 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Полимерлар кимёси ва физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (polychemphys.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Оксенгендлер Борис Леонидович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Матрасулов Даврон Урунович
физика-математика фанлари доктори, профессор
Ибрагимова Эльвира Меметовна
физика-математика фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/K/T.36.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7⁶ уй. Тел.:(+99871)241-85-94, факс: (+99871)241-26-60, e-mail: polymer@academy.uz.)

Диссертация билан Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7⁶ уй. Тел.:(+99871)241-85-94).

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ кунни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

С.Ш. Рашидова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.ф.д., профессор, академик

Н.Р. Вохидова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, к.ф.д., кат.и.х.

Н.Р. Ашуров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ўзига хос сорбцион, бактерияларга ва замбуруғларга қарши фаоллиги, биопарчаланувчан, биологик жиҳатдан мослашувчанлик сингари хоссаларни намоён қилувчи хитозан ва унинг ҳосилалари саноат миқёсида кенг ишлаб чиқарилмоқда ва халқ хўжалигининг турли тармоқларида қўлланилмоқда. Шундан келиб чиқиб, табиий полимерлар асосида янги, маҳаллий, экологик хавфсиз препаратларни яратиш ва уларнинг таъсир механизмларини аниқлаш фундаментал-амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда объектнинг нотекис юзасини ўзига хос табиати билан ва турли конформациядаги макромолекулаларнинг ион-ион, ион-дипол, дипол-дипол ўзаро таъсирлашув турини ўзгариши билан аниқланадиган реакция қобиляти бўйича, объектнинг геометрик конфигурацияси билан электрон тузилишларини ўзаро боғлиқлиги бўйича назарий изланишлар олиб борилмоқда. Бундай ҳолатлар турли ўлчамдаги объектларга хитозан макромолекуласининг адсорбция назарияси, квант-кимёвий ҳисоблар, молекуляр динамика усуллари ёрдамида назарий моделларни қуриш йўли билан кўп функционал полимерларнинг реакция қобилятини ягона шаклини тузишда назарий физиканинг турли усулларида фойдаланиш заруратини кўрсатади. Натижада хитозаннинг ўзига хос хусусиятини кучайтириш ва унинг қўлланилиш соҳасини кенгайтириш имконини беради.

Республикамиз мустақилликка эришгач табиий полимерлар асосида янги, маҳаллий, экологик хавфсиз препаратларни яратиш бўйича экспериментал ва назарий илмий тадқиқотлар фаол ривожланди. Бу борада электрон ва тузилиш хоссалари орасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланган, топологик усул QSPR ёрдамида полимер тизимларнинг хоссаларини юқори аниқликда башорат қилиш усули ишлаб чиқилган, биополимерларда илмоқларни ҳосил бўлиши асосланган. Таъкидлаш жоизки, хитозан қўлланилишнинг самарадорлигини ошириш ҳамда мақбул шароитларни аниқлаш учун умумэтироф этилган ёндашувлар ва назарий моделлар етарли эмас. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосида ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада молекуляр механизмларни аниқлашга, назарий моделларни тузишга ва улардан амалиётда фойдаланишга йўналтирилган илмий ва амалий тадқиқотлар муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ 1442-сон «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантириш устувор йўналишлари тўғрисида»ги, 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2698-сон «2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

Қарорлари, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кейинги йилларда хитозаннинг хоссаларини, шу жумладан, унинг органик ва ноорганик таркибий қисмлар орасидаги сорбцион хоссаларини, шунингдек, унинг бактерицид хоссаларини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Таъкидлаб ўтамузми, полимерлар ҳақидаги фанда конденсацияланган муҳитлар физикасига хос ёндашувларни қўллаш борасидаги умумий йўналишга асосан, реакция қобилият масалалари молекуляр нуқтаи назардан, шунингдек, феноменологик асосда ўрганила бошланди. Бунга назарийчиларнинг эришган ютуқлари асосида имкон юзага келди, улар жумласига энг аввало Флори П.Ж., Эдвардс С., Де-Жен П., Кун В., Лифшиц И.М. ва уларнинг ўқувчилари Гросберг А.Ю. и Хохлов А.Р., Волькенштейн М.В. ва уларнинг ўқувчилари Бирштейн Т.М., Гурский Г.В., Нечипуренко Ю.Д., шунингдек, Френкель С.Я. ва бошқалар. Тадқиқотларида ушбу муаммоларни муҳокама қиладиган хориж олимларининг (Штаудингер Г., Музарелли Р., Парришер Е.), шунингдек, МДХ давлатлари олимларининг (Кобеко П.П., Каргин В.А., Платэ Н.А., Кабанов В.А., Скрыбина К.Г., Вихорева Г.А., Варламов В.П., Куликов С.Н., Тютерев С.Л.) ҳиссаларини таъкидлаб ўтиш мумкин. Ўзбекистонда академиклар Ҳ.Усмонов ва С.Ш. Рашидоваларнинг мактабларини ҳиссаларини айтиб ўтиш жоиздир.

Табиий полисахарид хитозан биомослашувчанлик, биопарчаланувчанлик ва экологик хавфсиз хоссаларига эга бўлиб, уни гел, нанотола, мембрана, юпка парда, кукун, микро- ва нанозарралар сифатида қўллаш мумкин. Хитозаннинг хоссаларига таъсир кўрсатадиган турли хил омилларнинг таъсирини назарий ўрганиш, хитозан ва унинг ҳосилалари асосида янги препаратларни яратиш, шунингдек, олинган препаратнинг хоссасини ва таъсир механизмини тушунтириш имконини беради. Ҳозирги вақтда тиббиётда, қишлоқ хўжалигида хитозаннинг қўлланилиши маълум. Ушбу йўналишда хитозаннинг самарали қўлланилиши ва мақбул шароитларини аниқлаш учун назарий моделлар ёрдамида унинг хоссаларини аниқлаш усулларини алоҳида ажратиб кўрсатиш керак.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот иши режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация Полимерлар кимёси ва физикаси институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ЗФ-Т-100 «Полимерларда наноструктуралар, уларни олиш усуллари ва материалларнинг махсус хоссаларида намоён бўлиш қонуниятлари» (2007-2011 йй.); ФА-Ф7-Т-008 «Табиий ва синтетик

полимерларнинг синтез ва модификация қилиш шароитлари билан нанополимер системаларининг махсус хоссалари орасидаги ўзаро боғлиқлик» (2012-2016 йй.); ЁФ5-ФА-0-11503 «Ўза уруғини биологик фаол полимерлар билан капсуллашда биокимёвий жараёнларни назарий ўрганиш» (2014-2015 йй.); КА-12-001 «Хитозан металлкомплексларини ва унинг ҳосилаларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш, уларни қишлоқ хўжалиги экинлари касаллигини олдини олиш ва даволашда қўллаш (вилт, илдиз чириш ва монилиооз)» (2015-2017 йй.) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади хитозаннинг реакцион қобилиятини адсорбент юзасининг табиатига ва ўзаро таъсирлашув турининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда молекуляр механизмларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хитозан мисолида кўпфункционал полимерлар учун махсус, сорбцион ва бактерицид хоссалари, реакцион қобилияти механизмлари асосида ётадиган элементар физикавий ва кимёвий жараёнларни аниқлаш;

молекуляр динамика усулида хитозан молекулаларини углеродли нанотрубка сиртига (физик ўзаро таъсирлашув) адсорбция жараёнини моделлаштириш;

турли нотекисликка эга бўлган хитозан юзасига полиэлектрولит макромолекулаларни адсорбциясини назарий ўрганиш;

хитозаннинг бактерицид фаоллигини термодинамик моделини, тажриба далиллари билан ўзаро боғлиқ ҳолдаги молекуляр тузилишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти: хитозан молекуласи, хитозан олигомери, фрактал юза, углеродли нанотрубкадан иборат.

Тадқиқотнинг предмети хитозан молекуласини углеродли нанотрубка (УНТ) сиртига адсорбция жараёни, хитозаннинг текис ва фрактал юзасига адсорбциянинг хусусиятлари, шунингдек, хитозаннинг бактерицид фаоллигини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида конденсацияланган ҳолатлар назарияси, полимерлар физикаси ёндашуви, шунингдек, молекуляр динамика усуллари қўлланилган.

Дисертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хитозаннинг реакцион қобилияти механизмлари асосида ётувчи оддий физикавий ва кимёвий жараёнлар аниқланган;

сувли эритмада хитозан билан углеродли нанотрубкани ўзаро таъсирлашув энергиясини ҳароратга боғлиқ ҳолда маълумотлар бўйича макромолекуланинг углеродли нанотрубка сиртига адсорбциясини энтропиявий тавсифи аниқланган;

илк бор хитозан ғовагига полимерли клубокни, улар орасидаги ион-дипол ўзаро таъсирлашувни ҳисобга олиб, термоадсорбцион модел яратилган ва сорбция ва десорбция жараёнларини ҳароратга аналитик боғлиқлиги исботланган;

илк бор хитозаннинг ўзига хос молекуляр тузилишини ҳисобга олиб, бактерицид фаоллигини иккита механизмини амалга ошиш шартини ўз ичига олган термодинамик модел ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хитозан молекуласини УНТ сиртига адсорбция жараёнини GROMACS дастури ёрдамида молекуляр динамика усулида компьютерли моделлаштиришда хитозан молекуласини адсорбция жараёнини ўзаро таъсирлашув энергия қиймати ҳисобланган. Хитозан молекуласининг радиал тақсимот функциясини ҳароратга боғлиқлиги бўйича тадқиқот натижаларига асосланиб, паст ҳароратларда хитозаннинг нанотрубкага тортишиши кучсизлиги аниқланган. Ҳароратнинг пасайиши билан хитозан молекуласи учун углеродли нанотрубка сиртига қараганда сувли муҳитда жойлашиш қулайроқ;

хитозан мисолида полифункционал полимерларнинг текис ва фрактал юзасига кулубок кўринишидаги полимер молекулаларини адсорбцияси тўғрисидаги назарий тасаввурлар унинг фрактал юза ўлчамлигини аниқлаш учун фойдаланиш мумкин, десорбция бўйича маълумотлар эса молекуляр хусусияти бўйича адсорбат макромолекулаларини алоҳида ажратиб олиш учун фойдаланиш мумкин;

хитозаннинг молекуляр тузилишини ва бактерия ўлдириш кинетикасини ҳисобга олиб, уни бактерия хужайрасига ўтиш жараёни термодинамикасига асосланиб, хитозан биополимерининг бактерицид фаоллигини термодинамик моделини кўришда энергияни ҳисоблашни поляризация ёндашуви таклиф қилинган. Бу асосида биринчи бўлиб, ўртача молекуляр массаларда (70-96 kDa) хитозаннинг нормал бўлмаган кичик бактерицид фаоллигини ечими келтирилган. Молекуляр хусусияти ва эритманинг концентрациясини бактерицид фаоллиги билан ўзаро боғлиқлиги бўйича олинган маълумотлар самарали бактерицид препаратлар олиш истиқболларини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қатор ҳодисаларнинг экспериментал натижалари билан мос келиши ёрдамида асосланади. Олинган амалий натижалар физик-кимёвий (ИК-спектроскопия) ва математик усуллари орқали тасдиқланди. Ушбу диссертациянинг материаллари турли халқаро ва республика анжуманларда муҳокама қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган халқаро юқори рейтингга эга бўлган журналларда чоп этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, унда назарий физика (аналитика ва ҳисоблаш) усуллари ёрдамида реакцияга киришиш қобилияти тўғрисидаги тасаввурлар асосида хитозаннинг ноёб хоссаларини таҳлил қилиш ўрганилган, айнан замонавий илмий қарашлар доирасида (электрон тузулиши, фракталлик, нанохоссалари ва бошқалар) унинг сорбцион ва бактерицид хоссалари орасидаги ўзаро боғлиқлик асосланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сувли муҳитда хитозан билан УНТнинг ўзаро таъсирлашув энергиясини ҳароратга боғлиқ ҳолда маълумотлари бўйича макромолекулаларни УНТ юзасига адсорбциясини

энтропиявий табиати топилган. Ушбу ҳолатда тадқиқот натижалари адсорбция физик маънога эгаллиги, адсорбат ва адсорбент орасидаги ўзаро таъсир потенциал энергиясини табиати тўғрисида фикр юритишга имкон беради. Хитозан мисолида кўпфункционал полимерларни нотекис юзасига адсорбция/десорбция жараёнларидан фойдаланиш йўли билан клубок кўринишидаги макромолекулаларни ажратиш олиш модели ишлаб чиқилган. Хитозаннинг бактерицид фаоллигини термодинамик модели доирасида кенг синфдаги бактерияларни ўсишини камайтиришдаги бактерицид хоссаларини олдиндан айтиш учун хитозаннинг табиати ва мақбул шароитларини аниқлаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хитозаннинг хоссаларидан келиб чиқиб, унинг қўлланилиши бўйича изланишларнинг илмий натижалари асосида:

хитозанни углеродли нанотрубка сиртига адсорбция жараёнини аниқлаш натижалари хорижий илмий журналларда сиртлараро ўзаро таъсирлашув турини аниқлашда фойдаланилган (Journal of Structural Chemistry, 2017. №40, ResearchGate. IF-0,57; Materials Chemistry and Physics, 2014. №40, ResearchGate. IF-2,52; Applied Surface Science, 2015. №40, ResearchGate. IF-3,15). Илмий натижаларнинг қўлланилиши хитозан-графен орасидаги ўзаро таъсирлашув турини аниқлашга хизмат қилган;

хитозан биополимерининг тузилишини унинг сорбцион хоссасига ҳамда бактерицид фаоллигига таъсири бўйича олинган натижалар хорижий илмий журналларда хитозаннинг таъсир механизмларини аниқлашда фойдаланилган (Applied Surface Science, 2015. №40, ResearchGate. IF-3,15; Journal of Structural Chemistry, 2017. №40, ResearchGate. IF-0,57; Polymer Science, 2017. №1, Springer. IF-2,55). Илмий натижаларнинг қўлланилиши хитозанни бактерия хужайраларига ҳамда ноорганик моддаларга таъсир механизмларини аниқлаш имконини берган.

Урал Федерал университетида эътироф этилиб, адсорбентлар билан адсорбатларнинг ўзаро таъсирлашувини аниқлашда фойдаланилган. (Урал Федерал университетнинг 2017 йил 16 октябрдаги 3305-32/51-сон маълумотномаси). Натижада хитозан ёрдамида адсорбат макромолекуласини ўлчамлари бўйича ажратиш олишнинг самарали усулини яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та илмий мақола, жумладан, 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари шакиллантирилган, тадқиқотнинг амалий натижаларини назарий баҳолаш, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, уларни ишончлилиги асосланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, шунингдек, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Хитозаннинг физикавий, кимёвий ва биологик хоссалари бўйича адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида хитозаннинг тузилиши ва физик-кимёвий хоссалари келтирилган, шунингдек биологик, яни хитозан ва унинг ҳосилаларини бактерия ўлдириш хоссалари батафсилроқ кўриб чиқилган. Полимерлар физикаси ва назарий физика соҳасидаги асосий ютуқлар келтирилган, шунингдек ушбу соҳадаги ечилмаган масалалар муҳокама қилинган ва асосий хулосалар келтирилган.

Диссертациянинг «**Хитозан иштироки билан борадиган молекуляр жараёнларнинг элементар моделлари**» деб номланган иккинчи бобида қуйидаги материаллар баён қилинган. Тегишлича биринчи бобдан, ҳақиқатдан ҳам хитозан полимери кўп миқдордаги турли хил жараёнларда фойдаланилади, фан ва техниканинг аҳамиятли миқдордаги тармоқларига жуда катта ҳисса қўшади. Хитозанни қўллаш бўйича энг мақбул шароитларни аниқлаш учун ушбу жараёнларнинг физик-кимёвий мукамал илмий ишланмаларини талаб қилади. Ҳақиқатдан ҳам бундай мақбул шароитлар мавжуд ва кўрсатилган ҳодисаларнинг механизмларини аниқламай туриб, хитозан асосидаги янги ҳодисаларни олдиндан айтишни имкони йўқ, ўз новбатида назарий моделларни куришни талаб қилади. Бироқ бундай моделлар сони керагидан ортиқ кўп бўлиши мумкин, шунинг учун асос бўла оладиган миқдоргача ушбу моделлар сонини камайтириш керак. Буни ўз новбатида хитозаннинг фундаментал хоссаларидан келиб чиқиб қилиш мумкин. Шунинг учун ҳам ушбу диссертацияга бағишланган назарий тадқиқотларнинг мантиқи қуйидаги ҳалқа орқали аниқланиши мумкин:


Топилган экспериментал ҳодисалар – хитозаннинг фундаментал хоссалари – асос бўладиган жараёнларнинг модели – хитозан полимери иштирокидаги янги ҳодисаларни олдиндан айтиш ва мавжудларини тушунтириш.

Хитозан мисолида кўпфункционал полимерларнинг реакцион қобилиятини асос бўладиган оддий молекуляр жараёнлар сифатида қарашда физик механизмлари (таъсирлашувчилар орасидаги кулон ўзаро таъсирлашувлар,

юзанинг фракталлиги) ва кимёвий механизмларга (водород боғининг ўрни, макромолекуланинг электрон спектридаги псевдошел, конформацион тўсиқ) ажратилган. Ушбу асос бўладиган жараёнларни аниқ полимер тизимларига (албатта хитозан иштирокидаги) қўллаш қуйидаги диссертация бўлимларида баён қилинган.

Диссертациянинг «Хитозанни углеродли нанотрубка сиртига адсорбциясини моделлаштириш» деб номланган учинчи бобида хитозанни УНТ сиртига адсорбция жараёнини моделлаштириш натижалари баён қилинган. Ушбу ишда хитозаннинг мақбул геометрик катталикларини ва зарядлар тақсимотини олиш учун функционал зичликлар усулида хитозан мономерлари ва димерининг тузилиш хоссаларини ҳисоблаш натижалари келтирилади. Қуйидаги натижалар олинган:

Биринчидан, нанотрубка сиртига хитозан молекуласини физикавий адсорбция жараёни текширилган. Ўзаро таъсирлашув катталиклари ва парциал зарядлари олинган. Хитозан молекуласини тузилиши ва унинг атомларини электрон тақсимот зичлиги Gaussian 03 дастури ёрдамида квант кимёвий усулда аниқланган (1-расм а).



Расм. 1 а) хитозаннинг димер молекуласи атомларидаги зарядлар тақсимоти. Зарядларнинг қиймати элементар заряд бирликларида келтирилган, б) хитозан молекуласининг тебраниш спектрлари

Иккинчидан, Хитозан мономерлари ва димерини тебраниш спектри ҳисобланган ва уни хитозаннинг ИК-спектроскопия маълумотлари билан солиштириш таҳлили ўтказилган (1-расм б). Тебраниш интенсивлиги 1100 cm^{-1} да максимумга эга бўлиб, C-O-C (1070 cm^{-1}) боғининг тебраниш частотаси ва масимал интенсивлиги тажриба натижалари билан тўлиқ мос келади. Тебраниш частотасининг қолган қийматлари 1366 (1390), 1453 (1430), 1674 (1600), 2960 (2950), 3542 (3490), ҳам хитозан молекуласининг тебраниш сатҳи тасвирини қониқарли ифодалайди.

Учунчидан, хитозан молекуласи билан (9,0) ва (11,0) хиралликдаги углеродли нанотрубка комплексининг тузилиш ва энергетик катталиклари ўрганилган.

Тўртинчидан, УНТ ва хитозан фазалараро чегарасида электростатик потенциал ўзгариши текширилган. Хитозан УНТ комплексининг турли ҳарорат ва босмларда адсорбция ва барқарорлик шароитлари таҳлил қилинган.

Шундай қилиб, системанинг “эритма + хитозан + УНТ” тўла энергиясини ҳисоблаш асосида хитозаннинг элементар зеноси ва УНТни боғланиш энергияси системадан алоҳида таркибий қисмларни кетма-кет чиқариб ташлаш усули билан ҳисобланган, у сон жиҳатдан 0,83 эВ га тенг. Хитозан молекуласининг радиал тақсимот функциясини ҳароратга боғлиқлиги бўйича натижалар кўрсатадики, паст ҳароратларда хитозанни нанотрубкага тортишиши кучсиз. Ҳароратни пасайиши билан хитозан молекуласини сувли муҳитда жойлашиши нанотрубка сиртига қараганда қулай. Бу полимер молекуласини нанотрубка сиртига адсорбциясини энтропиявий табиатини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Хитозан мисолида кўпфункционал полимерларнинг текис ва фрактал юзасига сорбция жараёнларини ўзига хослиги**» деб номланган тўртинчи бобида хитозанда сорбцион ҳодисаларнинг турли жиҳатлари билан боғлиқ масалалар кетма-кет ўрганилган. Барча мавжуд сорбция жараёнлари қоида бўйича қуйидаги чизмада келтирилган:

Юзаси текис бўлганда → кимёвий ёки физикавий адсорбция;

Юзаси нотекис бўлганда → кимёвий ёки физикавий адсорбция;

Шу каби вазифа кўпфункционал полимерларнинг геометрик юзаси билан сорбция жараёнлари орасидаги боғлиқликни ўрганишга имкон беради. Текис юзада физикавий ёки кимёвий механизмлари бўйича ҳолатлар фарқини кўрсатувчи мос моделлар қурилган, бунда десорбцияланиш ҳароратини адсорбат полимери ўлчамига боғлиқлиги кўрсатилган, ушбу ҳолатда

Юза текис бўлганда:

Кимёвий адсорбция — $T_{dec} \sim \sqrt{L}$;

Физикавий адсорбция — $T_{dec} \sim L^{3/2}$;

Бошқа ҳолатда шундай: Юза нотекис бўлганда:

Кимёвий адсорбция — $T_{dec} \sim L^\alpha \quad 1/2 < \alpha < 1$;

Физикавий адсорбция — $T_{dec} \sim L$;

Десорбцияланиш ҳароратини адсорбат узунлигига боғлиқлиги бўйича сорбция механизми тўғрисида маълумот олиш мумкин. Таклиф этиладиган тадқиқот тури уч турдаги қуйи молекуляр моддаларни: сув, этанол, пропанолларни адсорбцияси ёрдамида хитозан юзасининг фрактал ўлчамлигини аниқлаш билан боғлиқ. Уларнинг барчаси молекуланинг ўлчам табиати ва моляр ҳажми ξ_i билан фарқ қилади, бу ерда i – сув, этанол, пропанол.

Хитозаннинг сорбцион хоссасини дистилланган сув. этил спирти, пропилен спиртларида назарий ўрганиш учун Мак – Бен кварс тарозиси ва симобли очилиб ёпилувчи юқори вакуумли сорбцион қурилмадан фойдаланилди. Ўлчашлар 298 К ҳароратда ва 10^{-3} Па қолдиқ ҳаво босимида олиб борилди. Хитозаннинг сорбцион хоссасини текшириш учун деацетилланиш даражаси 91% ли, заррача ўлчами 10 мм дан катта бўлмаган, дастлабки намликни масса улуши 12% дан катта бўлмаган намунадан фойдаланилди.

Тажрибадан олинган сорбцион маълумотлар асосида Брунауэр – Эммет – Теллер тенгламаси бўйича монокатлам сифими X_m , солиштирма юза $S_{уд}$,

Ғовакларнинг ҳажм йиғиндиси W_0 ва субмикроскопик найларнинг ўртача радиуси r_k ҳисоблаб топилади (жадвал 1).

1 - жадвал

Намуналарнинг сорбцион характеристикалари.

Намуна	Хитозан	Хитозан	Хитозан
Сорбат	д/сув	этанол	пропанол
X_m , г/г	0,0205	0,0035	0,0017
$S_{y\delta}$, м ² /г	72,06	11,40	5,05
W_0 , см ³ /г	0,070	0,0317	0,0186
r_k , А	19,19	55,58	73,67

Фракталликни таҳлил қилиш учун адсорбент юза катталигини S_i танлаш жуда қулай.

Моляр ҳажми қуйидагилар учун аниқланган: сув – $\lg \xi_1 \approx 0.41$, этанол – $\lg \xi_2 \approx 0.63$, пропанол – $\lg \xi_3 \approx 0.79$. Мандельброт – Авнир – Пфейфер услуги бўйича $\lg S_i = f(\lg \xi_i)$ функция графиги қурилган. Бундан келиб чиқиб ($\lg S \sim \xi^{-D_f}$, бу ерда D_f – фрактал ўлчамлик) қуйидаги ифодани оламиз:

$$\lg S = \text{const} - 3 \lg \xi \quad (1)$$

Кўринадикки, фойдаланилган барча адсорбат молекулалари хитозан юзаси учун тасодифий ҳосила сифатида аниқланади, яни ҳақиқатда уч ўлчамли. Эҳтимол бу, ҳақиқатда унинг учун $2 < D_f < 3$ бўлганда физик маъносига мос келади. Физик ҳодисалардан четланишларни излашда ξ_i катталикларни танлаш сорбция ҳодисаларида таҳлил қилинган, чунки газлар физикасида молекулаларни шарга яқин модел сифатида қараш сорбция масалаларида нотўғрилиги айтиб ўтилади. Биз кўрсатган эдикки, бу ҳолатда, қачонки адсорбат молекулалари адсорбент юзасида параллел жойлашса, барча $\langle \xi_i \rangle$ лар юзасига кўп қаралган бўлиши керак. Бу шунга олиб келадикки, мисол учун, $\xi_{\text{проп}} - \xi_{\text{вода}} > \langle \xi_{\text{проп}} \rangle - \langle \xi_{\text{вода}} \rangle$, ҳамда жумладан $D_f < 3$ бўлганда, ифода $D_f^{\text{учм}} = D_f - \Delta D$ ўринли.

Юқорида келтирилган таҳлиллар кўрсатадикки, адсорбат молекулалари учун “шар шаклидаги молекуляр конформация”дан фойдаланиш керак, мисол учун клубоклардан ва глобулалардан. Ушбу қарашлар учун турли конформацион хоссаларга эга полиэлектролит макромолекулалар, ДНК ва бошқалар, тўла мос келади. Ушбу мақсадда биз томондан адсорбентнинг фрактал ўлчамига (ΔD) адсорбатнинг сферик бўлмаганлик даражасига боғлиқ ($\delta = \frac{R_1 - R_2}{R_1 + R_2}$) хатоликларнинг назарий ҳисоб китоблари келтирилган. Таҳлиллар

Ленгмюр адсорбция ҳолати учун келтирилган ва қуйидаги формула олинган


$$\Delta D = (1 - D) \frac{\Delta \delta}{\delta} \quad (2)$$

Бу ерда $\Delta\delta$ - ўлчаш хатолиги. ΔD ни сегмага (δ) боғлиқлигидан қутилиш мақсадида δ бўйича ўртачалаш қулай

$$\langle \Delta D \rangle = \frac{[(1-D)\Delta\delta] \left[\int_{\delta_{\min}}^{\delta_{\max}} \frac{1}{\delta} \delta^{-D} d\delta \right]}{\int_{\delta_{\min}}^{\delta_{\max}} \delta^{-D} d\delta} = \frac{(1-D) \left(1 - \frac{1}{D}\right) \left[1 - \frac{\delta_{\min}^D}{\delta_{\max}^D}\right] - 1}{\left[1 - \frac{\delta_{\max}^{D-1}}{\delta_{\min}^{D-1}}\right] \frac{\Delta\delta}{\delta_{\min}}} < 0 \quad (3)$$

Қатор соҳаларнинг мавжудлиги белгилаб ўтилган, бу ерда D бўйича аниқлик жуда муҳим, ва бу ерда $\Delta\delta \rightarrow 0$ бўлган адсорбатлар олган мақул.

Хитозаннинг бир хил ғовакли юзасида жойлашган клубок шаклидаги полимерни тутиб туриш ҳарорати тўғрисидаги муҳим вазифа етарлича таърифланган ва ечилган (Расм 2.).



Расм 2. Макромолекулаларни бир хил ўлчамдаги ғоваклари билан ўзаро таъсири.

Бу ерда иккита муҳим ҳолат кузатилади: манфий зарядланган клубокни хитозан юзасидаги мусбат гуруҳлар (NH_3^+ гуруҳлар) билан ион-ион ўзаро таъсирлашуви ва манфий зарядланган клубокни хитозаннинг NH_2 гуруҳлари билан ион-дипол ўзаро таъсирлашуви. Иккита ҳолатда ҳам, клубок шаклидаги полимернинг охириги гуруҳлар орасидаги масофа L га боғлиқ боғланиш энергияси учун (демак десорбция ҳарорати ҳам) ифода олинган. Хусусан типик ифода кўринишига эга (ион-дипол ўзаро таъсирлашув ҳолатида)

$$L_{\text{адсорбат}} = \frac{kT \cdot d_{\text{адсорбат}}}{\tilde{K} R_{\text{пора}}} \quad (4)$$

Бунда $kT = E_{c\phi}$ ифодадан фойдаланилди, бу ерда $E_{c\phi}$ – боғланиш энергияси, клубокни ғовақдан ажратиш олиш Больцман тавсифига мос келган (яъни, $\exp(-E_{c\phi}/kT)$ – ажралиш эҳтимоллиги). Шунинг учун Больцман модели келтирилган, натижада тўғирловчи α коэффиценти ҳисобланган $T = (E_{c\phi}/k)\alpha$ ва $\alpha = 1,4$ га тенг.

Ушбу модел иккита турлича клубокларни ($L_1 \neq L_2$) бир хил ғовакли юзага десорбция ҳароратини баҳолаш имконини беради ва турли узунликдаги полимерлардан иборат бирикмани ажратиш алгоритминини (ҳарорат бўйича мониторинг – пастдан юқорига) беради:

$$T_d^{(1)} \rightarrow L_1; \quad T_d^{(2)} \rightarrow L_2 \quad (5)$$

Бирок, умумий вазифа – клубок шаклидаги полимерни адсорбентнинг фрактал юзасига адсорбция/десорбция моделини куриш ҳисобланади (наноўлчамли бир жинсли бўлмаган хитозаннинг юзаси).

Ушбу ҳолатда адсорбция коэффиценти учун θ ифода олинган (бир турдаги адсорбат ва адсорбентнинг фрактал юзаси):

$$\theta = 1 - \int_{R_{\min}}^{R_{\max}} \varphi(\gamma, R) \frac{dq/dR}{1 + \alpha P \exp(q/kT)} dR \quad (6)$$

Бу ерда q – клубокни R радиусли ғовак билан ўзаро таъсирлашув энергияси; α – адсорбция параметри, $\varphi(\gamma, R)$ – ғовакларни ўлчамлари бўйича тақсимооти, демак, энергия бўйича ҳам $q = q(R)$.


Адсорбция коэффициенти θ (бир турдаги адсорбат учун)ни ҳароратга ва бир хил бўлмаган ғовакли адсорбентнинг фрактал юзасига боғлиқлигини олиш мақсадида, махсус усулдан фойдаланилган, ғовакнинг ўртача квадратик чуқурлиги унинг радиус ва фрактал шаклида ҳисобланган

$$\theta(\gamma, T) = \theta(D_f, T). \quad (7)$$

Бу ифодадан юзани фрактал ўлчамини D_f , $\gamma = f(D_f)$ функцияси сифатида ғовакнинг ўлчамлари (γ) бўйича тақсимоот параметрларини ифодаси олинади, натижа θ учун (γ орқали) умумий формулага кўйилади. Бу биринчи бўлиб, адсорбция коэффициентини ҳароратга (T) ва адсорбент юзасини фрактал ўлчами бўйича умумий ифодани топишга имкон беради.

$$\bar{\theta} = F(T, D_f). \quad (8)$$

Адсорбент ва адсорбатнинг кулон ўзаро таъсирлашувини ($q \sim 1/R$) оддий ҳолати учун баҳолаш келтирилган, унинг натижалари 3-расмда келтирилган.



3 – расм. Адсорбция коэффициентини ҳароратга ва адсорбентнинг фрактал ўлчамига боғлиқлиги

Қурилган модел иккита турли хил полимер клубогини адсорбентнинг фрактал юзасига адсорбция/десорбциясини умумий ҳолати учун ёрдамчи ҳисобланади. Бу ҳолатда θ учун ифода маълум бир даражада (6) ифодага яқин, лекин қўшимча $a_2 P \exp[\frac{q_2}{kT}]$ турдаги хади мавжуд. Бироқ адсорбатнинг катта ва кичик молекулаларини концентрациясини фаол нисбатларида ва керакли ўлчамдаги катта ғоваклар шароитини кучли мураккаблаштириш мумкин – катта ғовакка адсорбатнинг кичик иккита молекуласини бир вақтда тушиши, ночизикли эффектни ҳисобга олиш заруратига олиб келади. Бироқ адсорбатнинг кичик концентрациялари учун ушбу усул сифат жиҳатдан мос келади ва амалий жиҳатдан фойдали.

Диссертациянинг «Хитозаннинг бактерия ҳужайраси билан ўзаро таъсирлашуви» деб номланган бешинчи бобида хитозаннинг бактерицид

фаоллигини унинг тузилишига, муҳитнинг рНга, ва концентрациясига боғлиқлик жараёнлари кўрилган. Хитозанни бактерия хужайрасига ўтиш жараёнини термодинамика асосида унинг молекуляр тузилиши ва бактерия ўлдириш кинетикасини ҳисобга олган ҳолда хитозаннинг бактерия ўлдириш фаоллигини термодинамик модели келтирилган. Хитозанни мембранага ўтишида эркин энергияларини ўзгаришини баҳолашдан хитозаннинг бактерия ўлдириш фаоллигини иккита механизмини амалга ошиш шартлари олинган. Хитозан бактериянинг мембранаси орқали иккита турли каналлар бўйича ўтиши мумкин: липид қобиғи ва мембрананинг ион каналлари орқали:

- хитозан молекуласининг кичик молекуляр массаларида ташқи муҳитдан мембрананинг сувли каналига ва липид қобиғига ўтиб ушбу каналларни тўсиб қўяди ва мембрана орқали ион алмашинуви бузилишига олиб келади ёки хужайра цитоплазмасига ўтиб у ерда ДНК билан ўзаро таъсирлашиб унинг бўлиниш жараёнини сусайтиради;

- хитозан молекулаларини юқори молекуляр массаларида мембрана юзасига адсорбцияси кучли, ва у хужайранинг ишлаши учун муҳим бўлган мембрананинг сувли каналларини тўсиб қўяди, ўз новбатада хитозаннинг миқдорини ортиши билан каналларни хитозан билан тўсиб қўйиш миқдори ҳам ортади.

Оралиқ ҳолатларда эса, қачонки хитозан ўртача молекуляр массаларга (70-96 кДа) эга бўлганида иккала механизм ҳам самарасиз ҳисобланади, яни хитозан адсорбцияси кучсиз ва хитозан молекуласи мембрананинг липид қобиғи ва сувли каналларига ўтмайди.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олиб, битта зарядланган макромолекулани сувда ва мембранада эркин энергиялари учун (яни хим потенциалларни) мос равишда ифодаларни ёзиш мумкин:

$$F_w = 4\pi\tau^2 L_{ch} \left[-\left(1 - \frac{1}{\epsilon_w}\right) \ln \frac{N_o^{-1/3}}{r} - TS_w \right] \quad (9)$$

$$F_m = 4\pi\tau^2 L_{ch} \left[-\left(1 - \frac{1}{\epsilon_m}\right) \ln \frac{N_0^{-1/3}}{r} - TS_m - \sum_{i,j} \frac{q_i \times |q_j|}{R_{ij}} \right] \quad (10)$$

Бу ерда τ – узунлиги L_{ch} бўлган хитозан макромолекуласидаги чизикли зарядлар зичлиги, N_o – хужайра концентрацияси, q_j – манфий зарядланган хужайра деворининг абсалют қиймати, S – хитозаннинг конформацион энтропияси, r – хитозаннинг кўндаланг ўлчами, R_{ij} – ягона i чи мусбат зарядланган хитозан, ҳамда j чи манфий зарядланган хужайра девори орасидаги масофа; йиғинди қуйидаги кўринишда олиб борилади: индекс i хитозан ионининг барча рақамларини, индекс j мембрана канали деворидаги барча ионлар рақами.

Сувда ва мембранада полимернинг чўзинчоқ конформацияга эга деб қабул қилиб, полимернинг сувли муҳитдан мембранага ўтишида эркин энергиялар фарқини қуйидаги кўринишда аниқлаш мумкин.

$$\Delta F \approx 4\pi \frac{e^2}{d_0^2} NL \left[\frac{1}{\epsilon_m} - \frac{1}{\epsilon_w} \right] \ln \frac{N_0^{-1/3}}{r} - \frac{eL_{ch}}{d_0} \sum_{i,j} \frac{|q_j|}{R_{ij}} \quad (11)$$

Бу ерда $L_{ch} = Nl$ ифода ҳисобга олинган, d_0 – мономернинг ўлчами, l – хитозан занжирининг самарали персистент узунлиги, N – занжирдаги сегментлар сони. Ушбу ҳолатда $\Delta F \leq 0$ хитозан ўз ўзидан мембранага ўтади. Шундай қилиб, бу ҳодисанинг ўз ўзидан амалга ошиш шarti қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$2\pi \left(\frac{1}{\varepsilon_m} - \frac{1}{\varepsilon_w} \right) \ln \frac{N_o^{-1/3}}{r} \leq \frac{q_m L_m}{d_0} \ln \frac{L_m d_0^2}{a_m r^2} \quad (12)$$

Шундай қилиб, мембранада зарядлар миқдори (L_m / a_m) кўп бўлганда хитозан мембранага ўз ўзидан ўтиши мумкин ва кейинчалик ион каналларини тўсиб қўйиши ёки ҳужайра ичига ўтиши мумкин ва манфий зарядланган ДНК билан комплекс ҳосил қилиб, шу билан бирга ҳужайрани бўлиниш жараёнини сусайтиради. Полимернинг липид қабиғига адсорбцияси граммусбат бактерияларга қараганда грамманфий бактериялар учун кучлироқ, чунки грамманфий бактериянинг мембрана юзасидаги манфий зарядлари граммусбат бактерияниқига қараганда кўпроқ миқдорда.

Иккинчи механизм қуйидаги шартлар бажарилганда яни, мембрана ғовагидаги муҳит сувли, ҳамда сувли каналларнинг радиуси занжирнинг кўндаланг ўлчамига қараганда анча катта, яни $R \gg r$, бўлганда амалга ошади.

$$\Delta F = E_c = -\frac{2eq_m L_{ch}}{d_0^2} \ln \frac{L_m d_0^2}{a_m r^2} \leq 0 \quad (13)$$

Ифодадан кўринадикки, мембрананинг сувли ғовагига хитозан молекуласини сорбцияси ҳар доим ўз ўзидан юз беради. Шундай қилиб, хитозан молекуласи ҳужайра мембранасига сувли ғоваклар орқали кириши ва мембранада сувли каналларни тўсиб қўйиши, шу билан бирга ҳужайра орасидаги ёки унинг атрофидаги ион алмашинув балансини бузади. Хитозан занжирининг узунлиги камайиши билан, унинг бактерия ҳужайраси мембранасининг сиртига адсорбцияси камаяди. Биз хитозаннинг занжир узунлиги кичик бўлганда, яни чўзинчоқ шаклга эга ва мембрананинг қалинлик ўлчами тартибда бўлганда, хитозанни мембрананинг липид қобиғи ва сувли каналлари орқали ўтишини амалга ошиш шартларини кўриб чиқдик.

Хитозаннинг бактерицид фаоллигини кинетикаси. Хитозаннинг бактерия ўлдириш фаоллигини унинг концентрациясига боғлиқлигини хитозан иштирокида бактерияларнинг ўсиш жараёни кинетикаси асосида тушунтириш мумкин, унинг учун қуйидаги тенгламани ёзиш мумкин

$$\frac{dN_{liv}}{dt} = \rho(M_0 - N_{liv})N_{liv} - \left(k + \frac{1}{\tau}\right)N_{liv} \equiv \alpha N_{liv} - \rho N_{liv}^2 \quad (14)$$

Бу ерда $\alpha \equiv (\rho M_0 - k - 1/\tau)$, N_{liv} - тирик қолган бактериялар сони, $k = k_1 N_{ch} + k_2 N_w N_{ch}$ (k_1 и k_2 - хитозаннинг мос равишда липид қобиғи ва сувли каналлари орқали ўтишига тегишли хитозаннинг бактерия ўлдириш фаоллигининг доимиси. N_{ch} – хитозаннинг концентрацияси, N_w – сувли муҳитдаги ион каналлари сони, ρ - бактерияларнинг кўпайиш коэффиценти, τ - бактерияларнинг ўз ўзидан ўлишига боғлиқ равишда унинг яшаш вақти, M_0 – бактериянинг субстрат қуввати.

Бошланғич шароитда $N_{liv}(t=0) = N_0$ (14)нинг ечими шунақа:


$$\frac{N_{liv} - \frac{\alpha}{\rho}}{N_{liv}} = \frac{N_0 - \frac{\alpha}{\rho}}{N_0} e^{-\alpha t} \quad (15)$$

Кўриниб турибдики, ўлган бактерияларнинг кинетикаси қандай аниқланади

$$N_{kil}(t) = N_0 - N_{liv}(t) \quad (16)$$

У эгриланишнинг тўйиниши кўринишига эга (4-расм.).

Ўзгармас қийматлар N_{kil} таҳлили шуни кўрсатадики, хитозан концентрациясини ортишида N_{ch} (α катталиги орқали), хитозан ўлдирган бактерияларнинг сони ортади ва экспериментал натижалар билан мос тушади (4-расм).



Расм 4. Хитозаннинг бактерицид фаоллигини кинетикаси.

Хитозаннинг бактерицид фаоллигини кинетик тенгламасидан келиб чиқиб, кўрсатиш мумкинки, хитозаннинг деацетилланиш даражаси ва концентрациясини ортиши билан ўлган бактериялар сони ортади.

Шундай қилиб биз хитозан катионини ташқи сувли муҳитдан мембрананинг липид қобиғига ва сувли каналларига ўтишини, Борн формуласи бўйича хитозан катионини мембрананинг манфий зарядланган деворлари билан ўзаро таъсирларини ҳисобга олиб, хитозаннинг бактерия ўлдириш фаоллигини термодинамик моделини таклиф қилдик. Бу таҳлиллар шундай хулоса қилишга имкон берадики, хитозаннинг кичик молекуляр массаларида, яни унинг занжири чўзинчоқ шаклга эга бўлганда, хитозаннинг мембранага ўтиши иккита параллел каналлар орқали, яни липид каналлари ва сувли муҳитнинг ион каналлари орқали ўтиши кузатилади. Ион каналларини тўсиб қўйилиши ёки хитозанни ДНК билан боғланиши хужайранинг ишлаш фаолиятини бузади.

Олигомер хитозаннинг бактерицид фаоллиги механизмлари. Турли хил экспериментлар хитозаннинг ўлчамини кичрайиши билан унинг бактерицид хоссасини сезиларли ортишини кўрсатади. Бунинг эҳтимолли механизми хитозаннинг кичик фрагментини бактерия хужайрасига ўтиши ҳисобланади, бу ерда унинг таъсири икки томонлама кўринади – а) ёйилган нуклеосомага нисбатан, бунда ДНК молекуласини тутиши, ва б) ҳали ёйилмаган нуклеосомага нисбатан. Олигомер хитозаннинг ушбу таъсири турлича.

Бошқа авторлар томонидан кўрсатилгандек, хитозан ДНКнинг алоҳида участкалари билан боғланиш мойиллигига эга (бунда бир ўлчамли адсорбция деб номланади). Бу ҳодиса назариясига биз макромолекулани псевдошел тузилиши тўғрисидаги тасаввурлардан фойдаланиб, микроскопик қарашларни қўшдик. Бу псевдошел, биз фараз қилганимиздек, биз таърифлаган Андерсон модели доирасида, полимерда қаттӣ даврийликнинг мавжуд эмаслиги натижасида шакилланади. Натижада электрон тузилиши олинади, унда локаллашган электрон ҳолатлари (тақиқланган зонада), йиғиндисини мавжудлиги келиб чиқади, унинг тақсимот узунлиги қуйидаги кўринишга эга:

$$N(l_{loc}) = \frac{e}{e-1} \frac{2a^2}{l_{loc}^2} \exp\left[-\frac{a^2}{l_{loc}^2}\right] \quad (17)$$

Кейинчалик, юқорида кўрсатилган бир ўлчамли адсорбция схемасидан фойдаланиб, адсорбция коэффиценти θ олинган (Ленгмюр изотерма тури)

$$\theta \approx 1 - \frac{P_0(T)}{P}, \quad (18)$$

Бу ерда $\frac{P_0(T)}{P}$ катталиги $\exp(-\varepsilon_0/kT)$ га мос ва олдинги ишлардан фарқли равишда энергия қуйидагича ифодаланади:

$$\varepsilon_0 = \tilde{\varepsilon}_0 \frac{l_m}{l_{loc}} \quad (19)$$

Бу ерда $\tilde{\varepsilon}_0$ – электронларнинг делокализация ҳодисасини ҳисобга олмаган ҳолдаги боғланиш энергияси; l_m – эса m ҳолатдаги локализация узунлиги.

$N(l_{loc})$ бўйича θ ни ўртачалаш қуйидагини беради:

$$\langle \theta \rangle = 1 - \text{const} \left(\frac{a}{l_m} \right)^2, \quad (20)$$

бу бизнинг микроскопик моделimizни янги натижаси ҳисобланади. Муҳими, хитозаннинг кичик молекулаларининг тўла ўтиш эҳтимоллиги учун ва уни кейинчалик ДНКга адсорбцияси учун муҳим формула олинади.

$$Z = e^{-\text{const} \cdot l_m} \left(1 - \frac{\text{const}}{l_m^2} \right) \quad (21)$$

Бу ифода кўрсатадики, хитозаннинг кичик молекуласини узунлигини камайиши билан бактерицид фаоллигини ортиши l_m га боғлиқликни мавжудлиги билан тавсифланади. Бу муҳим соҳага мос келади ва тажриба маълумотлари билан мослиги топилади.

Адабиётлардан маълумки ҳужайрадаги учта ферментнинг мавжудлиги, унинг нуклеосомага таъсири редупликация учун йўл очади, хитозаннинг бактерияга бошқа қўшимча бактерицид таъсири сабабини шакилланишига ёрдам беради. У шундан иборатки, ҳужайрага ўтгандан кейин, хитозан фрагменти ушбу ферментлардан бирортасига водород боғи билан боғланиб, ҳужм қилиб, унга бўлиниш жараёнини ишга тушишига йўл қўймайди. Бирламчи, квант кимёвий таҳлиллар кўрсатадики, шундай фаразлар ҳақиқатда бўлиши мумкин, лекин у қанчалик ҳақиқатга яқин? Бунинг учун тажрибага тўла йўналтирилган кичик ҳисоб китоблар йиғиндисини талаб қилади.

ХУЛОСАЛАР

«Хитозан полимерининг реакцияга мойиллигини конденсацияланган мухитлардаги молекуляр механизмлари» мавзусидаги фалсафа доктори диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Кўпфункционал полимерларнинг реакция қобилияти натижасида асос бўладиган оддий молекуляр жараёнлар сифатида қараш физик механизмларга (таъсирлашувчилар орасидаги кулон ўзаро таъсирлашувлар, фрактал ўлчамлик) ва кимёвий механизмларга (водород боғининг ўрни, макромолекулаларнинг электрон спектридаги псевдотирқиш, конформацион тўсиқ) ажратилган.

2. Хитозан ва углеродли нанотрубканинг боғланиш энергияси ҳисобланган, у 0,83 эВга тенгдир. Хитозаннинг углеродли нанотрубка сиртига адсорбциясини энтеропиявий тавсифи аниқланган. Мазкур ҳолатда физикавий адсорбция ўринли бўлиб, адсорбат ва адсорбент орасидаги ўзаро таъсирлашув потенциал энергияси нетривиал тавсифи тўғрисида фикр юритишга имкон беради. Хитозан атомларининг электрон зичликлар тақсимоли олинган ва хитозан мономер ва димер учун тебраниш спектри ҳисобланган.

3. Илк бор полимер клубогини хитозан ғовагига адсорбция жараёнини улар орасидаги ион-дипол ўзаро таъсирлашувини ҳисобга олган ҳолда термоадсорбцион модели қурилган ва десорбцияланиш ҳароратини полимер маромолекуласи узунлигига аналитик боғлиқлиги олинган. Кўпфункционал полимерларнинг (хитозан мисолида) текис ва фрактал юзасига полимер молекуласини клубогини адсорбцияси тўғрисидаги ишлаб чиқилган назарий қарашлар, хитозан сиртининг фрактал ўлчамлигини аниқлашга имкон беради. Бир хил ўлчамдаги ғовакли юза учун тузилган адсорбция ва десорбция модели бўйича олинган маълумотлар адсорбат молекуласи узунлиги тўғрисида юқори аниқликда маълумот олиш имконини беради.

4. Илк бор хитозаннинг хужайра мембранасига ўтишидаги эркин энергияси ўзгариши бўйича хитозаннинг бактерицид фаоллигини иккита механизми амалга ошиши шароитлари аниқланди.

– кичик молекуляр массали молекула учун (масалан, хитозан олигомери) – бактерия хужайраси ичига мембрана орқали тунел ўтишидаги механизм таклиф қилинган, бу ерда хитозанни ДНКга адсорбцияланиш жараёни, ёки унинг нуклеосомаларни ёйилиши учун хизмат қиладиган ферментлар билан боғланиш амалга ошади.

– юқори молекуляр массали молекулалар учун (масалан, хитозан полимери) – бактерия хужайраси мембраналаридаги каналларни хитозан макромолекуласи билан тўсиб қўйилиш механизми таклиф қилинган.

Термодинамик модел доирасида ёритилган ушбу иккита механизмларни ажралиши, тажрибада аниқланган хитозаннинг молекуляр массасини ўрта (70-96 kDa) қийматларида нормал бўлмаган кичик бактерицид фаоллигини тушунтиришга имкон беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.FM/К/Т.36.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ПРИ ИНСТИТУТЕ ХИМИИ И ФИЗИКИ ПОЛИМЕРОВ**

ИНСТИТУТ ХИМИИ И ФИЗИКИ ПОЛИМЕРОВ

АЗИМОВ ЖУМАНАЗАР ТУРГУНОВИЧ

**МОЛЕКУЛЯРНЫЕ МЕХАНИЗМЫ РЕАКЦИОННОЙ СПОСОБНОСТИ
ПОЛИМЕРА ХИТОЗАНА В КОНДЕНСИРОВАННЫХ СРЕДАХ**

**01.04.06 –Физика полимеров
02.00.12 –Нанохимия, нанофизика и нанотехнология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.2PhD/FM26.

Диссертация выполнена в Институте химии и физики полимеров.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (polychemphys.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Оксенгендлер Борис Леонидович доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Матрасулов Даврон Урунович доктор физико-математических наук, профессор Ибрагимова Эльвира Меметовна доктор физико-математических наук
Ведущая организация	Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «__» _____ 2017 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.FM/К/Т.36.01 при Институте химии и физики полимеров (Адрес: 100128, г.Ташкент, ул.Абдулла Кадыри, 7^б, Тел.:(+99871)241-85-94, факс: (+99871)241-26-60, e-mail:polymer@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии и физики полимеров за № ____ (Адрес: 100128, г.Ташкент, ул.Абдулла Кадыри, 7^б, Тел.:(+99871) 241-85-94).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2017 года.
(протокола рассылки №_____ от «__» _____ 2017 года.)

С.Ш. Рашидова

Председатель научного совета по присуждению
учёной степени, д.х.н., профессор, академик

Н.Р. Вохидова

Учёный секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, д.х.н., с.н.с.

Н.Р. Ашуров

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученой степени,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире широко производится в промышленных масштабах и применяется в различных отраслях народного хозяйства хитозан и его производные, а также известны его специфические свойства, как сорбционные, антибактериальные и фунгицидные, биоразлагаемость, биосовместимость. В связи с этим, создание новых отечественных, экологически безопасных препаратов на основе природных полимеров и определение механизмов их воздействия представляет особый интерес в фундаментально-прикладном аспекте.

В мире проводятся теоретические изыскания, связанные с взаимосвязью электронных структур с геометрическими конфигурациями объектов, определяющих реакционную способность посредством вариации типа ион-ионные, ион-дипольные, диполь-дипольные взаимодействий макромолекул различной конформации и с особенностями природы шероховатых поверхностей субстрата. Такое положение диктует необходимость использования различных методов теоретической физики в создании единой картины реакционной способности полифункциональных полимеров путем построения теоретических моделей, методами молекулярной динамики, квантово-химическими расчетами, теорией адсорбции макромолекул хитозана на объекты различной размерности. В результате, это дает возможность усиления специфических характеристик хитозана и расширения области его применения.

После приобретения нашей Республикой независимости активно развивались научные экспериментальные и теоретические исследования по созданию новых отечественных, экологически безопасных препаратов на основе природных полимеров. В этом направлении было обоснована взаимозависимость электронных и структурных свойств, с помощью топологических методов QSPR разработан высокоточный прогноз свойств полимерных системах, обоснованно образование петель у биополимеров. Надо отметить, что ощущается недостаточность общепризнанных подходов и теоретических моделей при выявлении оптимальных условий и более эффективного применения хитозана. Задачи «Освоения принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечение на этой основе конкурентоспособных отечественных товаров на внешних и внутренних рынках» указаны в стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. В этом направлении можно отдельно выделить научные и практические исследования по определению молекулярных механизмов и созданию теоретических моделей.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-1442 от 15 декабря 2010 года «О приоритетах развития промышленности Республики Узбекистан в 2011-2015 годах», ПП-2698 от 26 декабря 2016 года «О мерах по дальнейшей реализации перспективных

проектов локализации производства готовых видов продукции, комплектующих изделий и материалов на 2017-2019 годы», в Указе УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия Действий по пяти основным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в Республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики - VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

